

Кирк йил мукаддам XX аср ўзбек адабиётининг буюк сиймоларидан бири Максуд Шайхзоданинг жабрдийда юраги уришдан тўхтади. Ўтган давр мобайнида унинг тенгдошлари, издошлари, шогирдлари ва мухлисларининг ҳам аксари хаётдан кўз юмди. Шу даврда тугилиб вояга етган авлод эса унинг жўшқин сўзини эшитмай, нурли чехрасини кўрмай, танти калбининг саховатидан бахраманд бўлмай ўсмоқда. Бинобарин, уларнинг Шайхзодани нафакат буюк шоир, балки буюк инсон сифатида ҳам идрок этиши, унинг порлок истеъдоди олдида таъзим қилиши кийин. Шунинг учун ҳам бу оташнафас шоирнинг хаёти ва ижоди, қандай ноёб сиймо бўлгани тўғрисида ёзиш биз - замондошларнинг вазифамиздир. Шайхзода 1908 йил 25 октябрда Озарбойжоннинг Оғдош шаҳрида шифокор Маъсумбек ва Фотимахоним оиласида дунёга келган. Маъсумбек Шихлиёв Петербург университетининг тиббиёт факультетини тугатган ва Оғдошда янги усулдаги илк мактабни ташкил этган эди. Максуд 1917 йилда ана шу мактабда муаллим Мухтор Афандизода кўлида таълим олди.

Кези келганда айтиш жоизки, мазкур мактабда Максуд билан бирга ўқиганлардан Саид Рустам таникли композитор ва халқ артисти, Шохид (фамилиясини аниқлай олмадик) халқ рассоми, Идрис Алиёв эса маориф ходими бўлиб етишди.

Максуд зийраклиги ва тиришқоклиги тўғрисида муаллимлар эътиборини қозониб, 1921 йилда бир гуруҳ тенгдошлари билан бирга Боқу шаҳридаги дорилмуаллиминга ўқишга юборилди. 1925 йили мазкур билим юртини аъло баҳолар билан тугатган Максуд Озарбойжон Маориф халқ комиссарлигининг йўлланмаси билан Дарбанд шаҳрига йўл олди. У ўша вақтда Догистон автоном республикаси ҳудудида бўлган Дарбанддаги мактабда бир йил хизмат қилгач, Догистон Маориф халқ комиссарлигига мурожаат этиб, Бўйноқ шаҳрига ишга кўчирилишини сўради. 1927 йилнинг июн ойига қадар Бўйноқдаги педагогика билим юртида жамиятшунослик фанидан дарс берди.

Максуд Оғдош сингари кичик шаҳарларда камдан-кам ўқувчи тараккийпарвар кишилар оиласида тугилган эди. Максуднинг илм олиши ва шоир сифатида шаклланишида отаси Маъсумбекнинг иштироки нисбатан катта бўлган; онаси Фотимахоним ҳам оғдошлик аёлларнинг ижтимоий фаоллашувига сезиларли таъсир кўрсатган. Машур озар адаби ва жамоат арбоби Мирза Иброҳимовнинг шаходат беришича, унинг ота-онаси зийрак, зехнли фарзандларининг қобилиятини ўстиришга алоҳида эътибор берган, унда илм-фанга ихлос, гўзалликка нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотган. Максуд улар таъсирида хушёр, билимдон, янгиликка талпинувчи, жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар моҳиятини тушунишга интилувчи йигит бўлиб вояга етади. Шундай зукко йигитнинг ўша даврда ёшлар ўртасида тарқалган ва улар эътиборини қозонган газета-журналларни ўқимаслигига ақл бо-вар қилмас эди.

Максуд Боқуда таҳсил кўрган йилларда "Ени Кавказ" журнали ёшлар ўртасида жуда машур эди. Истанбулда Мамед Эмин Расулзода томонидан нашр қилинган ва Боқуға яширин йўллар билан келтирилган мазкур журналда босилган "Кизил империализм" мақоласи Максуднинг дунёқарашини ўзгартириб юборди. Мақолада 1917 йил октябрида тарих сахнасига келган Шўро давлатининг миллий республикаларга ва уларнинг туб

ахолисига эркинлик бермагани, аксинча, миллий халкларнинг диний ва дунёвий маданиятини сиқув остига олгани айтилган ва озарбойжон халки хаётидан буни тасдиқловчи кўплаб мисоллар келтирилган эди.

Максуд 1925 йили Бўйнок шахрига келиб, "Маориф йўли" журналини чоп эта бошлаган Эдхем Файзий билан танишди, бир ўқув юртида ишлади, "Ени дунё" журналида таржимон сифатида катнашди. Айти вақтда "эркин дунё"ни кўриб, ок-корани таниган, болшевикларнинг Кримда қилган жиноятларига гувоҳ бўлган Эдхем Файзийнинг таъсир доирасига секин-аста кириб борди.

Эдхем Файзий Миллий фирка партияси "Миллат" газетаси ва "Ени дунё" журналининг муҳаррири, шунингдек, Феврал инкилобидан кейин Кримда ташкил этилган Миллий банкнинг ходими бўлгани сабабли (бу банк мухтор ҳукуматга моддий ёрдам кўрсатган) ГПУ хуфияларининг доимий назорати остида яшаган.

1923 йили Муса Бегиёв "рус мусулмонлари"нинг раҳбари сифатида жаҳон мусулмонларининг Калкуттадаги конгрессига таклиф этилади. У конгрессда Крим мусулмонларининг вакили сифатида ҳам катнашиш максудида кримлик муфтий Иброҳим Тарпининг розилигини олмокчи бўлади. У Эдхем Файзийдан шу нозик масалада ёрдам беришни сўрайди. Эдхем Файзий муфтийдан розилик хатини олиб Ленинградга, Муса Бегиёвнинг уйига боради. Шу воқеадан кейин ГПУ ходимлари нафакат Эдхем Файзий, балки у билан мулоқотда бўлган бошқа кишиларни ҳам каттик таъқиб остига олади. Хуллас, Максуд Шайхизоданинг (атокли ўзбек шоирининг исм-шарифи ўша вақтда шундай юритилган) Бўйнокка кўчиб келиб, Эдхем Файзий билан бирга ишлаши ва у муҳаррирлик қилган журналда катнашиб туриши унинг ҳам ГПУ назорат доирасига тушишига сабаб бўлади.

ГПУ ходимларининг Эдхем Файзийга яқин бўлган кишилар, шу жумладан, Шайхизодадан ҳам шубҳаланиши асоссиз эмас эди. Зеро, Шайхизода, дўстлари Тавфик Жалол ва Селим Фитрат ўзаро мулоқотлари чоғида устозлари Эдхем Файзий таъсирида бундай сўзларни айтган: "Озарбойжон хозир русларнинг мустамлакаси бўлиб қолди. Шўро мухтор жумҳурияти казиб олинаятган нефтнинг ақалли 10 фоизига ҳам эга эмас. Шўро ҳокимияти Озарбойжоннинг Туркиядан ўзи хоҳлаган адабиётни сотиб олишига, бизнинг долзарб масалалар бўйича матбуотда эркин чиқишимизга руҳсат бермайди. Агар Озарбойжонда мусовотчилар ҳокимияти ўрнатилганида биз анчагина илгарилаб кетган бўлардик. Биз ўз фаолиятимизни ВЛКСМга (ленинчи ёшлар ташкилоти) кириш йўли билан олиб бормокчи бўлган эдик, аммо бизни бу ташкилотдан миллатчи деб хайдаб чиқаришди..."

Маълум бўлишича, Шайхизода 1927 йили Бокуга бориб, у ердан Истанбулда нашр этилган "Ени Кавказ" журналининг бир неча сонларини олиб келган. У Озарбойжоннинг мустамлакага айланиб, Догистоннинг эса кундан-кунга руслашиб бораётганидан ташвишда эканини асло яширмаган. Ва нима учундир Бўйнокдаги харбий қисмининг сон-саногии, аҳолии ва миллий таркиби билан қизиққан, хатто гарнизонда хизмат қилган Козон татарлари билан яқинлашишга уринган. Гарчанд ўзининг сиёсий қарашларини ошқор қилмаган бўлса-да, у билан бирга билим юртида ўқитувчилик қилган Тавфик

Жалол Догистонга махаллий аҳолининг руслашиб кетишига йўл кўймаслик учун келганини айтган.

Хуллас, 1927 йил июн-июл ойларида Шайхизода аксилинкилобий таргибот юритишда айбланиб, Эдхем Файзий ва Мамед Файзий билан бирга камокка олинади. Эдхем Файзий таъсирида ҳаракат қилган Селим Фитрат ва Тавфик Жалол эса Догистон ҳудудидан чиқиб кетгани учун уларнинг иши алоҳида ажрим этилади. Махачкалда бўлиб ўтган суд йигилиши 1927 йил 6 декабрда юкорида номлари тилга олинган уч кишини ОГПУ ихтиёридаги сиёсий қурилишга юбориш ҳақида ҳукм чиқаради.

Шайхизода ўзига кўйилган айбни асословчи бирорта далил-ашё бўлмагани сабабли ишни қайта кўришларини талаб қилиб тегишли идораларга аризалар ёзади. Шундан кейин ОГПУ хайъати ҳузуридаги Махсус кенгаш бўйноқлик муаллимлар ишини қайта кўриб, Эдхем Файзийни муддатни қонцлагерда ўташ шарти билан 3 йил камаш, Шайхизодани эса 3 йиллик сургунга юбориш ҳақида ҳукм чиқаради.

Мазкур ҳукмга кўра, Шайхизода собик Иттифокнинг Москва, Ленинград, Тбилиси ва Боқудан бошқа шаҳарларида сургунни ўташи мумкин эди.

Шайхизода камокдан озод бўлгач, она-сининг маслаҳати билан (отаси ўша вақтда Москвада ўқишда бўлган) сургунгоҳ сифатида Тошкентни танлайди ва ўзбек юртига келиб, отасининг танишларидан бири Собир Шариповнинг Шаҳрисабз кўчасидаги уйида яшай бошлайди.

У Тошкентда ҳаётининг ҳар томонла-ма янги, баҳор тароватидек тоза ва бегубор даврини бошлашга аҳд этади, исм-шарифига жиндек таҳрир қиритиб, Шайхизода таҳаллусини қабул қилади.

Ижодининг дастлабки намуналарини 1922 йилда озарбойжон тилида ёзган Шайхизода 1928 йилда Тошкентга келиб "Шарк ҳақиқати" газетасида ишлар экан, ўзбек тилини Ойбек ва Гафур Гулом цингари дўстлари кўмагида шиддат билан ўрганиб, 1929 йилда шу газетада "Трактор" деган шеърини эълон қилди. Бу атоқли шоирнинг ўзбек тилидаги биринчи шеъри эди. У шу вақтдан бошлаб умрининг сўнги нафасига қадар ўзбек адабиётининг раванки йўлида тер тўқиб, адабиётимиз хазинасини ўзига хос шайхона жўшқин шеър ва дostonлар, драма ва таржималар, публитсистик ва адабий-танқидий мақолалар билан бойитди. Аммо Шайхизода ўзбек диёрига келиб яшай бошлаганида бу ердаги вазият Догистондагига қараганда анча мураккаб эди.

1927 йил Шўро давлати учун фавқулодда катта ва муҳим аҳамиятга молик йил эди. Шўро давлатининг барпо этилганига 10 йил тўлиши мазкур сананинг жамият ҳаётига мафкуравий чакмок ва момагулдираклар билан қириб келишига сабаб бўлди: шу йилнинг бошларида, аниқроғи, 14 февралда "Кизил Ўзбекистон" газетасида адабиётшунос Айннинг (Олим Шарафиддинов) "Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон" деган мақоласи босилди. Миллий уйғониш даврининг оташич қуйчиси Чўлпон ижодини меҳнатқаш халқ оmmasига ёт, гоёвий жихатдан эса зарарли, деб баҳолаган бу мақола даҳшатли 1937 йилнинг илк "қалдирғоч"и эди. Ойбекнинг ўз устозини мардона химоя қилган мақоласи Чўлпон ижоди

мухлислари томонидан катта мамнуният ва умид билан карши олинди. Аммо Акмал Икромов Ўзбекистон маданият ходимларининг 1927 йил 4-5 октябрда бўлиб ўтган ИИ курултойидаги маърузасида Ойбекнинг эмас, Айннинг тарафини олиб, Марказкўмнинг Чўлпон цингари шоирлар ижодига нисбатан ўта салбий, тақдирига эса ўта лоқайд муносабатда эканини яширмади. Орадан кўп ўтмай, 1929-1930 йилларда Боту бошчилигидаги Маориф халк комиссарлиги ходимлари, Мунаввар кори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги аллақачон таркатиб юборилган "Миллий иттиҳод" ва "Миллий истиқлол" ташкилотларининг аъзолари камокка олинди. Вақтинча эркинликда яшаётган зиёлиларнинг ҳар бир қадами сиёсий таъкиб остида кеча бошлади.

Озарбойжондан сургун қилинган шоирнинг шўролар Ўзбекистонда эмин-эркин яшаши асло мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у Шўро давлати раҳбарларини, партияни олқишловчи шеърлар ёзиб, даврнинг ўткинчи масалаларига ўз вақ-тида муносабат билдириб турди, "замонасоз шоир" никоби билан ижод қилди. Шайхзода 1933 йили бадиий ижоддан кўра илмий фаолият билан шугулланишни хавфсиз деб билибми, Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга қирди, аспирантурани тугатгач, кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Лекин 1937 йилнинг машъум ўроғи бу институт ходимларини ҳам ўриб кетганини, ижодини текшириб, рисола ёзаётгани - Чўлпоннинг камокка олинганини кўрган шоир илмий жаҳони тарк этди-да, дастлаб Тошкент вилоят кечки педагогика институти, кейин эса шаҳар педагогика институтида ўзбек мумтоз адабиётидан маърузалар ўқиди. Табиатан сахий, топган-тутганини дўст-ёрлар даврасида сочиб яшайдиган шоир учун домлаликнинг доимий моюнаси айни муддао эди. Аммо у, ўзи эътироф этганидек, тугма шоир бўлган. Шеър ёзиш унинг учун нафас олишдек табиий бир жараён ва ҳаётининг эҳтиёжи эди. Агар Шайхзода бошқа тарихий-маданий шароитда яшаб ижод қилганида Оллох берган буюк истеъдоди туйғайли бадиий маданиятнинг кўплаб шайхона мухташам обидаларини яратган бўларди.

Шайхзода мансуб бўлган ўзбек шоирлари авлоди турфа овозлар ва услублардан иборат. Гафур Гуломнинг мумтоз ўзбек поэзиясидан баҳра олган шеърлари Ойбекнинг ўйчан назмидан кескин фарқланганидек, Миртемирнинг халқона лирикаси Хамид Олимжоннинг дилбар асарларига мутлақо ўхшамайди. Улар билан бир ҳаводан нафас олиб, бир бурда нонни баҳам кўрган Шайхзоданинг шеъри эса бутунлай ўзгача! Унинг назмида шоирнинг танти табиати, ёш боладек тоза қалбию турк ва озарбойжон шеъриятига ҳос мавжлар товланиб-алмашилиб туради. Шайхзода ўзига ҳос оҳанглар ва хис-туйғуларга бой ижоди билан ўзбек шеъриятининг янада юксак даражага эришишига улкан ҳисса қўшди.

Шубҳасиз, замон шаршарасида оққан шоирнинг партиёга, Октябрга, шўролар ватанига, "оқ олтин"га ҳамду санодан иборат шеърлар бағишламаслиги, шўро давлатининг манманларча ташки сийосати сабабли жаҳон тақдирини қил устида турган вақтларда тинчлик учун қураш қаби мавзуларда ижод қилмаслиги маҳол эди. Аммо унинг юрагида бошқа туйғулар, муаммолар, дардлар ҳам бўлган. У ўзини қийнаган изтиробли масалаларни тасвирлаш ва умуман, макродунё ҳақида фикр юритиш, айни даврда рўй бераётган воқеалар моҳиятини тарих сабоқлари кўзгусида кўриш ва тушуниш мақсадида 40-йиллардан драматургия соҳасида ҳам қалам тебратиб бошлаган.

Аммо бу масалага кўчишдан аввал шоир хаётида рўй берган мудхиш вокэани эслаб ўтайлик.

Маълумки, 50-йиллар аввалида катагоннинг навбатдаги тўлкини шу давр адабиётининг кўзга кўринган аксар вакиллари ўз гирдобига тортган. Шухрат, Саид Ахмад, Шукрулло цингари шоирлардан олдин Шайхзода "совет ёзувчиси" деган шарафли унвонга дог туширган ижодкор сифатида дастлаб Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилган. Сўнгра камокка олиниб, уни яхши билган, унинг инсоний фазилатлари ва ижодий ютўқларидан бахраманд бўлган кимсалар олдига гажиш учун ташланган. Шундай кимсалардан бири С. фамилияли аёл эди. Шайхзода Театр ва рассомлик институтини сиртдан тугатаётган бу аёлнинг "Бой ила хизматчи" драмаси хақидаги диплом ишига илмий раҳбар этиб тайинланади. С. 50-йиллардаги кама-камаларнинг ташкилотчиларидан бири - В.Милчаковнинг ногорасига муком килиб, устозини миллатчиликда, Шаркни хаддан зийод идеаллаштиришда айблаган. Маълум бўлишича, у Хамза асари Н.Островскийнинг "Момогулдирак" асари таъсирида яратилганига ургу бермокчи ва шу фикрни диплом ишининг янгилиги сифатида олга сурмокчи бўлган. "Мен, - деган у терговчига берган кўрсатмасида, - диплом ишимда Хамза Хакимзоданинг адабий ижодига Октябр инкилоби, рус мумтоз ва шўро адабиёти катта таъсир кўрсатгани тўғрисида ёзган эдим. У очик-ойдин айтмаган бўлса ҳам, Хамза энг аввало Шарк маданиятидан ўрганган демокчи бўлган. Умуман, Шайхзода Шарк хақида хамиша хайрат билан сўзлар, унинг фикр-мулохазаларидан шундай хулоса чиқар эдики, гўё Шарк хамма нарсадан афзал эди. Шайхзода Кадимги Шаркни назарда тутган холда Шарк маданиятига бирламчи ахамиятни берарди. Шайхзода учун рус маданияти Кадимги Шарк маданиятига нисбатан сарик чакачалик ахамиятга эга эмас эди..."

В.Милчаков "дирижёр"лик қилган бу жараёнда айрим ўзбек шоирлари ҳам фаол иштирок этди. Р. исмли шоир худди шу масалада Ш.ни коралаб, бундай кўргазма берган: "Шайхзода умуман Европага, хусусан Россияга карама-карши кўйган холда Кадимги Шаркни кўкларга кўтара бошлади. Унинг айтишича, Европада, айникса, Россияда одамлар оёқяланг юрганларида Шарк жахон маданиятининг ўчоги бўлган эмиш. Ўша пайтда Россия айрим князликлардан иборат бўлганида Шаркда кудратли давлатлар мавжуд бўлган эмиш. Шайхзода Кадимги Шаркда яшаган баъзи олимларнинг исмларини тилга олиб, уларни шарафлаш лозимлигини, Шаркка хос барча нарсаларнинг афзаллигини унутмасликни талаб қиларди..."

Р.нинг ўз фикрларини давом эттириб, устоз шоирни миллатчиликда айблагани, уни Чўлпон ва Фитратлар цингари "халк душман"лари изидан равона қилмокчи бўлгани қанчалик дахшатли бўлмасин, гап хозир бу ҳақда эмас. Биз учун муҳими - Шайхзода Шаркнинг инсоният тарихида буюк рол ўйнаганини чуқур хис этгани, Шарк маданияти тарихи билан фахрлангани ва шу маданият сарчашмаларидан узоклашмасликка ҳаракат қилганидир.

Дархақиқат, Европада, жумладан Россияда одамлар хали оёқяланг юрганида Шаркнинг жахон маданиятига буюк хисса бўлиб қўшилган обидалари яратиб қўйилган, Европа, жумладан, Россия хали айрим-айрим князликлар шаклида яшаётганида Шаркда кудратли давлатлар аллақачон барпо этилган эди. Шайхзода ана шу Шаркнинг шоир ва олимлари,

давлатчилик тарихига асос солган подшолари, боскинчиларга карши кахрамонона курашган саркардалари билан хакли равишда ифтихор килган. У ана шу ифтихор туйгусини Иккинчи жахон уруши йилларида совет мамлакати такдири хавф остида колган бир даврда халкни курашга, галабага чорловчи "Жалолиддин Мангуберди" трагедиясида ифодалаган эди.

Аммо бу асар халкни ватан мустакиллиги йўлида кахрамонона меҳнат ва курашга рағбатлантириш ишига канчалик хизмат килмасин, кўп ўтмай сахнадан олиб ташланди. Фалакнинг гардиши билан Ўзбекистонга келиб колган айрим кимсалар Шайхзодани тарихий ўтмишга синфий мезонлар асосида ёндашмаганликда айблаб чикди. Сталин мукофоти тавсия этилган асар муаллифи феодал ўтмишни идеаллаштиришда, Кавказ халкларига "жабр-зулм ўтказган" Жалолиддин образини бузиб талкин килишда айбланди. 1952 йили Шайхзоданинг камокка олинишида худди шу масала ракиблар кўлидаги асосий дастак бўлди.

Такдирнинг инояти билан Шайхзода шўролар дўзахидан тирик кайтибгина колмай, Шаркнинг бошка бир буюк сиймоси - Улугбек хакидаги шекспирона буюк асарини яратиш имкониятига эришди. Агар шоир вафот этган куни ўгирланмаганида унинг Беруний тўғрисидаги яна бир мухташам асари адабиётимиз хазинасини бойитган бўларди.

Тарих мустабид тузум даврида Жалолиддиннинг миллий кахрамон сифатидаги образини яратган, аммо тергов чогида ракиблар фикри билан хисоблашишга мажбур бўлган Шайхзоданинг юз карра хак бўлганини тасдиқлади. Ўзбек халки 1998 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини зўр тантана билан нишонлаб, Шайхзоданинг хам пок рухини шод килди.

Шайхзода, ўзи эътироф этганидек, шеъриятда замонавий воқеликни, драматургияда эса тарихий ўтмишни тасвирлашга хамда халк ва мамлакатнинг дардли масалаларини ўтмишга багишланган асарларида ифодалашга интилди. У номлари тилга олинган, шунингдек, Миртемир, Абдулла Каххор, Комил Яшин сингари забардаст ижодкорлар билан бирга адабиётимизни янги тараккиёт боскичига олиб чикди. "Бу авлоднинг аъзоси бўлган мен хам, - деб ёзган эди шоир, - 25 га якин шеърий тўплам нашр эттирдим. Ўзбек тупрогини кайтадан эккан илк тракторларнинг мадхиясидан бошлаб фазо йўлларини айланувчи олтин кемалардаги сайёҳларни тараннум этишгача барча муҳим ходисалар, халкимизнинг меҳнат кахрамонлиги, кураш ва жанг, озодлик ва дўстлик, бахт ва алам, юртнинг гўзал манзаралари ва инсоннинг маънавий жамоли менинг каламимга ошно ва дилимга мазмун бўлиб келди". Шайхзоданинг шеър ва дostonлари шундай ранг-баранг мавзуларга багишлангани билангина эмас, турли вазн ва жанрларда ёзилгани билан хам ўзбек шеъриятини бойитгани шубҳасиздир.

Шоир "Тошкентнома" лирик дostonида бундай ёзган эди:

Урмим бино бўлди Озарбойжонда,
Кечди болалигим у гул маконда.
Низомий ватани, Ганжа ўлкаси
Ўлкамга тўлдирди шеър хавосин...
Лекин шоирликнинг нозик толеи

Қулди Сирдарёнинг хавзаларида.
Ўзбек қуёшининг чин оталиги
Акс этди мастоба косаларида.
Ўзбек водийсида отимни сурдим,
Азиз йўлдошлар-ла ўтолдим, юрдим.
Йўк, мен такдиримдан эмасман хафа,
Шоирлик унвони бахтимдан тухфа!..

Келгуси йил икки халқнинг улуг фарзанди, гул маконлар куйчиси, шоир, драматург, таржимон ва олим Максуд Шайхзода тугилган кунга 100 йил тўлади. Биз, шоир ижоди мухлислари, бу муборак санани - адабиётимизнинг шонли байрамини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилажакмиз.

Наим Каримов,
«Тафаккур» журналининг 2007 йил, 4-сонидан олинди.